





ато қилган неъматларингга иқрор бўлдим. Ва яна гуноҳларимга ҳам иқрор бўлдим. Менинг гуноҳларимни кечир. Чунки Сендан бошқаси гуноҳларни кечира олмайди.

*Имом Бухорий ривоятлари.*

Шайхимиз Ҳофиз Абулбақо Холид ибн Юсуф Нобилисий Димашқийдан, у Абу Толиб Абдуллоҳ, Абу Мансур Юнус, Абулқосим Ҳусайн ибн Ҳибатуллоҳ ал-Мисрий, Абу Яъло Ҳамза ва Абу Тоҳир Исмоилдан, улар Ҳофиз Абулқосим Али ибн Ҳусайн, яъни Ибн Асокирдан, у Димашқ хатиби Абул Қосим Али ибн Иброҳим ибн Аббос ал-Ҳусайнийдан, у Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Яҳё ибн Салвондан, у Абулқосим Фазл ибн Жаъфардан, у Абу Бакр Абдурахмон ибн Қосим ибн Фараж ал-Ҳошимийдан, у Абу Мисҳардан, у Саид ибн Абдулазиздан, у Рабийъа ибн Язиддан, у Абу Идрис Хувлонийдан, у Абу Заррдан розияллоҳу анҳу, Абу Зарр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан, у зот Жаброил алайҳиссаломдан, Жаброил алайҳиссалом эса Аллоҳ таолодан қуйидагиларнинг хабар бердилар:

«Аллоҳ таоло: «Эй бандаларим, Ўзимга зулмни ҳаром қилдим ва сизларнинг ораларингизда ҳам уни ҳаром қилдим, бас, зулм қилманглар! Эй бандаларим, сизлар кечаю кундуз хато қиласизлар. Мен эса аҳамият бермасдан гуноҳларингизни кечираман. Бас, Менга истиғфор айтинглар, гуноҳларингизни кечаман. Эй бандаларим, барчангиз очсиз, фақатгина Мен таомлантирганларгина ундай эмас. Бас, Мендан таом талаб қилинглар, сизларни таомлантираман. Эй бандаларим, барчангиз ялонғочсиз, фақатгина Мен кийинтирганларгина бундай эмас. Кийинишни Мендан талаб қилинглар, Мен сизларни кийинтираман. Эй бандаларим, агар аввалларингизу охирларингиз, инсу жинлар фожир қалбли киши бўлишса, мулкимдан бирор нарса камайиб қолмайди. Эй бандаларим, агар аввалларингизу охирларингиз, инсу жинлар тақволи қалб кишилари бўлишса, мулкимда бирор нарса зиёда бўлиб қолмайди. Бандаларим, агар аввалларингизу охирларингиз, инсу жинлар бир тепаликда туриб Мендан сўрашса, Мен ҳар бир киши сўраган нарсасини берсам, мулкимдан бирор нарса камаймайди. Фақатгина денгизга нинани бир марта тиқиб олгандаги камайганчалик озаяди, холос. Эй бандаларим, у сизларнинг амалингиздир. Мен уни сизларга сақлаб бераман. Кимки яхшисини топса, Аллоҳ азза ва жаллага ҳамд айтсин. Кимки бундан бошқасини топса, фақатгина ўзини маломат қилсин», деди».

Аллоҳим, қалбларимизни иймон, ҳидоят нурлари ила зийнатлагин, куфр, фисқ, маъсиятни ёмон кўрувчи бандаларингдан қилгин, ризолигинга етишмоқ йўлларини бизларга осон ва нурафшон этгин, дунё ва охиратдаги

хотимамизни хайрли қилгин!.

***Манбалар асосида Хуршид Маъруф тайёрлади***